

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МЕХНАТГА ЎРГАТИШ
ОРҚАЛИ ТАБИАТНИ СЕВИШГА БЎЛГАН ТУЙГУЛАРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ**

Худойкулова Джамилахон

Термиз давлат педагогика институти ўқитувчиси

E-mail: j.a.xudoyqulovagmail.com

Tel: +998942685168

Аннотация. Мактаб ҳар бир ўқувчи ҳаётида муҳим ва аҳамиятли масканлардан бири ҳисобланади. Бола мактаб остонасига қадам қўяр экан у дунёни илмий асослар орқали ўргана бошлайди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, мактабда бошланғич таълимнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори туради. Чунки бола бу ёшда ҳали эндигина дунёни англай бошлайди. Бу ёшдаги болаларни қай йўсинда тарбия қилса шу йўсинда кетади. Болаларда табиатга бўлган меҳрни шакллантиришда, авваламбор, меҳнат тарбиясини шакллантириш лозим. Яъни, меҳнат орқали табиатни севишга ўргатиш. Болалар меҳнат қилса, ҳамма жойни озода тутса, атрофга чиқинди ташламаса, табиатдаги ҳайвонларга озор бермаса шу каби томонларни ўзларида шакллантирса, улардан келажакда табиатни севиб-ардоқлайдиган инсонлар етишиб чиқади.

Калит сўзлар: Бошланғич, таълим, ўқувчи, меҳнат, асраш, тозалик, табиат, тарбия, ахлоқ, экологик, маданият, ўқитувчи.

**НАУЧНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ЧУВСТВА ЛЮБВИ К ПРИРОДЕ
ЧЕРЕЗ ПОДГОТОВКУ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К РАБОТЕ**

ХУДАЙКУЛОВА ДЖАМИЛАХАН

Преподаватель Термезского государственного педагогического института.

E-mail: j.a.khudoyqulovagmail.com

Tel: +998942685168

Аннотация. Школа – одно из важнейших мест в жизни каждого школьника. Когда ребенок ступает на порог школы, он начинает познавать мир через научные принципы. Стоит отметить, что роль и значение начального образования в школе очень высоки. Потому что ребенок в этом возрасте только начинает понимать мир. Дети этого возраста будут воспитываться точно так же. В формировании любви детей к природе необходимо, прежде всего, формировать трудовое воспитание. То есть учить любить природу через труд. Если дети будут много работать, содержать все в чистоте, не мусорить, не обижать животных на природе, если они разовьют в себе такие качества, то в

будущем они вырастут любящими природу людьми.

Ключевые слова: Начальное образование, образование, ученик, работа, охрана, чистота, природа, воспитание, этика, экология, культура, учитель.

THE SCIENTIFIC SIGNIFICANCE OF FORMING THEIR FEELINGS TO LOVE
NATURE THROUGH TRAINING PRIMARY CLASS
STUDENTS TO WORK

KHUDAIKULOVA DJAMILAKHAN

Teacher of Termiz State Pedagogical Institute

E-mail: j.a.khudoyqulovagmail.com

Tel: +998942685168

Annotation. School is one of the most important places in every student's life. As soon as the child steps on the threshold of school, they begin to learn about the world through scientific foundation. It is worth mentioning that the role and importance of primary education in school is very high. Children of this age will be educated in the same way. In forming children's love for nature, the first of all, it is necessary to form labor education. That is, teaching to love nature through work. If children work hard, keep everything clean, do not throw garbage around, do not hurt animals in the nature, if they develop such aspects in themselves, they will grow up to love and respect nature in the future.

Key words: elementary, education, pupil, job, save, clear, nature, upbringing, ecologic, culture, teacher.

Мақоланинг кириш қисмида бевосита ўқувчиларини меҳнатга ўргатиш орқали табиатни севишга бўлган туйғуларини шакллантириш мактабдаги бошланғич таълимнинг энг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитувчилар, масъуллар, ота-оналар қўлдан келганча ҳаракат қилмоқдалар. Яни келажак авлодга сифатли таълим беришга, ҳамда уларга берилаётган ҳар бир маълумотлар чуқур ўрганилиб, сўнгра ўқувчиларнинг дарсликлари ва адабиётларига киритилади ва киритилмоқда. Бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод пухта ва мукамал таълим ва тарбия маълумотларини қабул қиладиган бўлсалар, улар келажак учун етук авлод бўлиб етишадилар. Таълим жараёнида бошланғич таълим жараёнини кўриб чиқишимиз ва унинг нақадар нозик ва мураккаб жараён эканлигини кўриб ўтишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда, бу босқич бола ҳаётида жуда аҳамиятга эга бўлган давр ҳисобланади. Чунки бола бу давр мобайнида дунёни англай бошлайди. Шу даврда болага қандай тарбия бериб, қай томонга йўналтирадиган бўлсак, у келажак ҳаётини мана шу давр асосига қуриши аниқ. Шунинг учун мана шу даврда унга берилаётган таълим ва

тарбиянинг нақадар мукамал эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Бунда эса мунтазам изланиш ва мунтазам ривожланиш талаб этилади. Биргина болаларни табиатни асрашга бўлган туйғуларини шакллантириш бугунги кунда долзарб ва глобал мавзулардан бири бўлиб қолмоқда десак муболаға бўлмайди.

Мақоланинг назарий қисми мазмунида бевосита бошланғич таълимда болаларни тарбиялаш ва уларга сифатли таълим беришда ўқитувчи шу билан бир қаторда, ота-оналар ҳам масъул ҳисобланади. Ўқувчиларни бошланғич таълим тизимидан меҳнатга ва табиатни асрашга ўргатадиган бўлсак, бу уларнинг келажакда етук инсон бўлиб етишишига ёрдам беради. Бу жараёнда ўқитувчи ва ота-она ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур ҳисобланади. Мактабда ўқитувчи меҳнат ҳақида назарий тушунчаларни бериб, уйларида ўша ишларни қилишга даъват этадиган бўлса, ота-оналар уларнинг назоратини уй шароитида ўз зиммасига олишлари зарурдир. “Болаларни таққослашга, таҳлил қилишга, кузатишга ўргатиш жуда муҳим. Китобдаги саволлар худди ана шу хислатларни тарбиялашга қаратилган. Бундан ташқари, болалар топшириқларни бажариш жараёнида берилган материалларни яна бир бор такрорлайдилар, яни олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Баъзи топшириқларни бажаришда сиз ота-оналарнинг иштирокингиз, албатта, зарур. Акс ҳолда топшириқ бажарилмай қолиши мумкин.”¹ Бунда ўқитувчи ва ота-она ҳамкорликда бола тарбиясига жиддий эътибор бериши керак ҳисобланади. Дарсликда олаётган билимларини ота-оналари ёрдамида такрорлаши ва мустаҳкамлаши зарур ҳисобланади. Энди бу жараённинг барчасини меҳнатга ўргатишга йўядиган бўлсак, ўқитувчи болаларга меҳнат ҳақида тушунчаларни берсада, уйда амалий жараённи ота-онасига топширадиган бўлса бу уларнинг шу меҳнат жараёнига яхши ўрганишига ёрдам беради. Биргина хона гулларини қандай парвариш қилиш ва уларни қандай қилиб кўпайтириш ҳақида ўқитувчи мактабда дарслар орқали тушунтирадиган бўлса, уйда ота-онаси ёрдамида эса гулларга қандай қараш кераклигини ўрганадилар. Бу орқали улар табиатга, гулларга бўлган меҳрини оширишга ёрдам беради. Биргина хона гулларининг атрофга фойдали томонларини болаларга тушунтирадиган бўлсак, улар, албатта, бу ишларни амалга оширадилар. Чунки болажонлар яхшилик қилишга қизиқадилар.

Ўқувчиларини меҳнатга ўргатиш орқали табиатни севишга бўлган туйғуларини шакллантиришнинг **асосий қисмда** кўпроқ амалий жиҳатларга эътибор қарар эканмиз, табиатга бўлган муносабатларни йўлга қўйамиз.

Ундан ташқари ҳашар ва хоналарни тозалашга болаларни ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки улар ўзлари тозалани ўрганса, кейин атрофга чиқинди ташламайдилар. Тозаликнинг қадрига етиб юрадилар. Бу жараёнда

¹ Ю. Дмитриев. Табиат мўжизалари. Тошкент. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. “Ёш гвардия” нашриёти. 1988. 5-бет.

уларга ижтимоий фойдали меҳнат нима эканлигини тушунтириш зарур. “Ҳашарларда маҳаллаларнинг барча аҳолиси ҳамжихатлик билан кўчаларни, ариқларни тозалашади, дарахтларнинг қуриган шохларини қирқишади. Ҳамма аҳиллик билан ишлагани учун кўп ишлар бажарилади. Натижада маҳаллалар янада обод бўлади. Бундай ишлар ижтимоий фойдали меҳнат дейилади. “Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат” дейди халқимиз.”² Бу жараёнда болалар ҳашар ва тозалик олиб боришни ўрганадилар. Ҳашарда одамлар кўпчил бўладилар ва улар бир-бирларига ёрдам бериб ишлашадилар. Бу уларнинг янада меҳнат қилишга ва бир-бирига ёрдам бериб яхшиликлар қилишига туртки бўлади. Ҳамма жойларни тозалайдилар, дарахтларни оҳаклайдилар. Болалар меҳнат қилиш орқали меҳнатнинг қадрига етишни ўрганадилар. Атрофни иложи борича тоза тутишга ҳаракат қиладилар. Ҳамда ҳамма жойнинг тозалигидан завқланадилар. Шунга одатланадилар.

“Участкада ёш табиатшунослар тўғараги иш олиб боради ва синфдан ташқари тадбирлар: “Ҳосил байрами”, “Боғ байрами”, “ қушлар байрами” каби кечаларни ўтказишда кўргазмали материаллар ота-оналар, пудратчилар, донгдор боғ жойларда ўсимликлар устида ўткази олиш ўқув амалиётини назария билан боғлашга имкон беради. Дарсларда тирик табиат бурчагида ва айниқса мактаб ўқув тажриба участкасида ҳосил қилинган билим ва малакаларга таянилганда ўқувчиларнинг меҳнати маълум фаолияти мақсадга қаратилган бўлади.”³ Юқоридаги маълумотлардан кўришимиз мумкинки, назария ва амалиётнинг бир меёрда олиб борилиши ўқувчиларнинг таълим олиш сифати даражасининг ўсишига яқиндан ёрдам беради. Дарсларнинг кўпроқ амалиёт билан боғланиши ва табиат қўйнида олиб борилиши уларнинг меҳнатга ва табиатга бўлган меҳрини оширишга ёрдам берадилар.

Мактаблардаги тирик табиат бурчаги ўқувчиларни табиатга бўлган меҳрини оширишга ёрдам беради. Уларнинг табиат бағрида меҳнат қилишлари уларни меҳнатга ўргатади.

“Поялардан яна новдалар кўкариб, барглар билан бирга ғунчалар ўсиб чиқади. Атиргул май ойларида очила бошлайди. Унинг гули чиройли, ҳиди эса жуда хушбўй бўлади. Эрта баҳордан бошлаб вақти-вақти билан гулзордаги барча гулларнинг таги юмшатилиб, суғориб турилади. Улар орасидан ўсиб чиққан

² П. Ғуломов, Ш. Мирзахматова. Атрофимиздаги олам. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2018. 21-бет.

³ Х.М. Пўлатова. Табиатшуносликни ўқитиш махсус методикаси. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт жамғармаси. Тошкент -2006. 123-124 бетлар

бегона ўсимликлар юлиб ташланади.”⁴ Мана кўриб турган маълумотларимиз 3-синф Табиатшунослик дарслигида учрайди. Айнан мана шу каби назарий маълумотлар берилган дарсликларни амалиёт билан боғлаш лозимдир. Мактаб боғидаги атиргуллар билан ўқитувчи таништириши лозимдир. Бунда ўқувчилар янада қизиқадилар ва уйларидаги атиргулларга бориб ўзлари парвариш қилишни бошлайдилар. Бу уларнинг гўзалликка бўлган меҳрини шу билан бир қаторда эса меҳнатга бўлган иштиёқни шакллантиради. Табиатнинг гўзал бўлиши уларнинг дилини яйратади. Табиатни гўзал қилишга ундайдилар.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бошланғич таълим ёшидаги болани ёш ниҳолга ўхшатишимиз мумкин. уларни қай йўсинда тарбия қилиб бошласак шу йўсинда улар ўсиб боради. Уларнинг қалбида табиатга бўлган меҳрни шакллантирадиган бўлсак, бу фарзандлар камоли учун, балки, табиат камоли учунам меҳнат қилган бўламиз. Болалар табиатга биргина чиқинди ташламасдан ҳам яхшилик қилиши мумкин. буни уларга онгли равишда тушунтирадиган бўлсак, улар мен ҳам яхшилик қилоламан деб ўйлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун.-Т.: 2020 йил, 23 сентябрь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълимни “Ривожлантириш стратегияси” 2021-2026 йиларга бағишланган, таълим ислохатлари.-Т.: Ўзбекистон 2021 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 287-модда).
4. Баҳромов А, Шарипов Ш, Набиева М. Табиатшунослик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2019.
5. Зиёмухаммадов Б. Экология ва маънавият. - Т.: Меҳнат, 1997. - 104 б. 49.
6. Дмитриев Ю. Табиат мўжизалари. Тошкент. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. “Ёш гвардия” нашриёти. 1988 й
7. Исақулова Н.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед.фан.номз. дисс. – Тошкент, 2006. –186 б. 50.
8. Исматов И.Ш. Ўқувчиларда атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни шакллантириш (Анорганик кимё таълими мисолида). Пед. фан. ном дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б
9. Пўлатова Х.М. Табиатшуносликни ўқитиш махсус методикаси. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт жамғармаси. Тошкент -2006.
10. Гуломов П, Мирзахматова Ш. Атрофимиздаги олам. Умумий ўрта таълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2018.

1. ⁴ А. Баҳромов, Ш. Шарипов, М. Набиева. Табиатшунослик. Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-синфи учун дарслик. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 2019. 74-бет.